

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2018
октябрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Н.ХОЛМИРЗАЕВ

Баркамол инсонни шакллантиришнинг асосий омиллари	80
С.ЮЛДАШЕВ, Ў.АҲМЕДОВА	
Жамиятни илмий бошқаришнинг баъзи масалалари	83
Н.ХАКИМОВ, А.АБДУМАЛИКОВ	
Ривожланишнинг янги босқичи шароитларида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш	86

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Қ.ЮЛЧИЕВ

Хронотоп – лирик композиция асоси (Шамшод Абдуллаев шеърлари мисолида)	89
С.ЖУРАЕВА	
Лутфий тўртликлари ҳақида баъзи мулоҳазалар	92
Э.НАСРУЛЛАЕВ	
Алишер Навоий феномени ва жадид адабиёти намояндалари	98
Р.ДАМИНОВА	
Туркий шеъриятда ғазал	102

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ИСКАНДАРОВА, А.РАСУЛОВА

Тўсиқиззик категорияси ва тил мазмуний структураси хусусида	106
З.АЛИМОВА	
Ўзбек тилига форс-тожик тилларидан ўзлашган но- префиксли сўзлар хусусида	109

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ш.ДЖУМАНОВ

Бўлажак ўқитувчининг шахс бўлиб шаклланишида коммуникатив қобилият моҳияти	113
Л.ШУКУРОВА, В.УМАРОВА	
Ўзбекистон ҳудудида ганчкорлик санъати тарихий ривожланиш босқичларининг илмий асослари	117

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Х.ЭШЧАНОВ, А.САРИМСАҚОВ, М.БАЛТАЕВА, М.НУРМАТОВА

Полифункционал гемосорбент олиш усули.....	121
Н.ОЛИМОВА, А.МИНОЖИДИНОВ	

Корхонанинг амалий фаоллиги ва самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда инновацияларнинг ўзига хос хусусиятлари.....

123

М.АБДУЛЛАЕВА

Ибратнинг жамиятшуносликка қўшган ҳиссаси	126
---	-----

А.КОСИМОВ

Ёзувчи Т.Мурод услубининг ўзига хослиги («Отамдан қолган далалар» романи мисолида)	129
--	-----

М.УСМОНОВА

Тилнинг пайдо бўлиш муаммосига оид қарашлар	131
---	-----

Р.АБДУЛЛАЕВА

Оламнинг лисоний манзараси	133
----------------------------------	-----

М.А.НАЗАРАЛИЕВА, М.О.ОРИПОВА

Ўқиш кўнижмасини шакллантиришдаги муҳим ва самарали стратегиялар	136
--	-----

Ш.АБДУЛЛАЕВ

Аҳил қўшничилик муносабатлари тарихий - маданий жараён сифатида	140
---	-----

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Жаҳонга танилган олим	143
------------------------------------	-----

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография	147
---------------------------	-----

УДК: 82/89

ТУРКИЙ ШЕЪРИЯТДА ҒАЗАЛ

Р.Даминова

Аннотация

Мақолада туркий адабиётда ғазал жанрининг пайдо бўлиши, тараққиёти ҳақида фикр юритилади. Туркий ғазалиётнинг илк намуналарида қўпланилган бадиий санъатлар Носириддин Рабгузий, Хоразмий ижоди мисолида таҳлил қилинади. Сайфи Саройининг “Гулистони бит-туркий” асарида номлари тилга олинган шоирларнинг ғазалларида учрайдиаган бадиият намуналарига тўхтаб ўтилади.

Аннотация

В данной статье раскрывается вопрос формирования и развития жанра газель в тюркской литературе. Первоначальные образцы тюркской газели анализируются на материале лирики Носириддина Рабгузи, Хорезми. Автор также анализирует фрагменты из произведения Сейфи Серайи «Гюлистан бит-турки».

Annotation

In this article, the question of the formation and development of the gazelle genre in the Turkic literature is revealed. The original samples of the Turkic gazelle on the material of Rabguzi's lyrics, Kharezmi are analyzed. The author analyses the fragments from the works of Safi Serayi "Gulistan Bit Turks", too.

Таянч сўз ва иборалар: ғазал, аруз, пайдо бўлиши, услуб, “ийҳом”, “ташхис”, “талмех”, “ташбех”, “мусажжа”, “зебкофия”, “тазод”.

Ключевые слова и выражения: газель, аруз, становление, стиль, “ийҳам”, “ташхис”, “талмех”, “мусаджа”, “зебкофия”, “сравнение”, “антитеза”.

Keywords and expressions: gazelle, aruz, formation, style, "iyham", "tashhis", "talmeh", "musajah", "zebkafiya", "comparison", "antithesis".

Ғазал дастлаб араб поэзиясида вужудга келган бўлса ҳам, унинг шеъриятнинг энг яшовчан жанри сифатида шаклланиш йўли, ривожланиш тарихи форсий тилдаги лириканинг йирик намояндлари – Рӯдакий, Низомий, Хоқоний, Мароғали Авҳадий, айниқса, Саъдий ва Ҳофизларнинг номи билан боғлиқидир.

XI асрда ғазал жанри форс – тоҷик адабиётига кириб келди. С. Айний, Бертельс, И. Брагинский, А. Мирзаев каби олимларнинг таъкидлашларича, ғазалнинг форс-тоҷик адабиётидаги илк намуналари Рӯдакий ижодида учрайди. Саъдий ва Ҳофиз Шерозий ижодида эса камолот чўққисига кўтарилган.

Ғазал жанрининг туркий адабиётда пайдо бўлиши Хоразмий ва Рабгузий номи билан боғлиқ бўлса-да, айрим олимларнинг тадқиқотларида бу жанрининг анча илгари шакллана бошлагани айтилади. А.К. Боровков “Аруз туркий халқлар адабиётида X-XI асрларда ёк шаклланган” деса, И. В. Стеблева “Девону луготит-турк”да халқ оғзаки ижоди намуналаридан ташқари, арузнинг турли вазнларига тушувчи ёзма адабиёт намуналарини кўрсатиб ўтади.

Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида оғзаки ижод намунаси бўлган “туркий”нинг

“рамали мусаммани мақсур” вазнида яратилиши туркий шеъриятда ғазалнинг шаклланиш жараёни анча олдинроқ бошланганидан далолат беради. Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат”идаги ғазаллар XII аср ғазалчилигининг ёрқин намунасидир.

Ғазал шеъриятда ишқ-муҳаббатни куйловчи жанр сифатида пайдо бўлган. Унга берилган айрим таърифларда ҳам худди шу хусусиятга эътибор қаратилади. Қабул Муҳаммаднинг “Ҳафт қулзум”, Қайс ар-Розийнинг “Ал-мўжам фи маори ашъор ул-ажам”, Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон” асарларида ғазал ҳақида маълумотлар учрайди.

XIV асрнинг биринчи ярмида яшаган Рабгузий, Хоразмий, Сайфи Саройи, Мавлоно Қози Муҳсин, Мавлоно Исҳоқ, Мавлоно Имод Мавлавий, Түғлихўжа ижодидан бошлаб ғазал жанри янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Улар яратган ғазалларда бу жанр учун шарт бўлган барча хусусиятлар мавжуд. Бу шоирларнинг ғазаллари тилининг соддалиги ҳамда тажнис, тазод, талмех, ташбех каби бадиий тасвир воситаларидан ўринли фойдаланилгани билан эътиборлидир. Бу бадиий воситалар юқоридаги шоирлар ижодида янги шакл ва ўзига хос услубда намоён бўлди. Бу хусусият туркий

Р.Даминова – СамДУ, эркин тадқиқотчи.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

шеъриятда туркона услугнинг шаклланишига хизмат қилди.

Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида учрайдиган ўнлаб ғазаллар шоир яшаган даврдаги туркий шеъриятга хос бўлган хусусиятларни ўзида мужассам этади. “Кун ҳамалга кирди эрса” деб бошланувчи ғазалида табиат тасвирига кенг ўрин берилади. Шоир Наврӯз кириши билан табиатда кечадиган турли ўзгаришларни маҳорат билан тасвирлайди. Тасвир жараёнида шоир жонлантириш, сифатлаш, ўхшатиш каби бадиий воситалардан фойдаланади. Ғазал шундай бошланади:

*Кун ҳамалга кирди эрса келди олам
Наврӯзи,*

*Кечди баҳман замҳарир қиши қолмади қори,
бузи.*

*Баҳорда оламнинг гўзал бир қиёфага
кишини шоир шундай тасвирлайди:*

*Кун келу минг кўрки ортиб тирилур ўлмиш
жаҳон,*

*Тонг бадизлаб нақши бирла безанур бу ер
юзи.*

Баҳор келиши билан дунёнинг янгидан чирой очиши “тирилур бу ер юзи”, деб таърифланади. Кўкда қуғу, ғоз, қил, қарлуғоч каби қушлар яйраса, ерда ос, тийин, киш, қундуз каби ҳайвонлар югуриб, гўзал бир манзара касб этади:

*Кўкда ўйнар қўл солишур қуғу, ғоз, қил,
карлуғоч,*

*Ерда югруб жуфт олишур ос, тийин,
киш, қундузи.*

“Тол ийғочлар минбарида”, яъни тол дарахти шохларида қушлар: қумри, булбул, тўти хониш қилиб, баҳор тароватига янада тароват қўшади. Ердаги бундай гўзал манзарага ҳатто жаннат ҳурлари ҳам таҳсин ўқииди:

*Ҳури айн ужмоҳ ичинда енг солиб
таҳсин ўқир,*

*Ёз уза мундоғ ғазаллар аймишди Носир
Рабғузий.*

Ғазалда шоир жанр учун хос бўлган барча шаклий-бадиий талабларга риоя қилади. Ғазал а-а, б-а, в-а... шаклида қофияланган бўлиб, наврӯзи, бузи, нози, ёзи, тузи, қўй-қўзи, жузи, қундузи, юлдузи, Рабғузи сўzlари шеърнинг оҳангдорлигини таъминлаган.

Баҳорга нисбатан олам наврӯзи, қишига баҳман, замҳарир каби истиоралар қўлланилган. Ер ва қўқдаги жониворларнинг ҳаракатини тасвирлашда тазод санъатидан

фойдаланилади. Ташхис санъати асосий тасвир воситаси сифатида кўзга ташланади.

Ғазал халқ орасида мавжуд бўлган туркий қўшиқ вазнида – рамали мусаммани маҳзуфда ёзилган. XIV аср бошларидағи адабий ёдгорликларда нафақат мавзу ва мазмун, балки шакл жиҳатдан ҳам ўзига хос туркоаликка интилиш, аникроғи, туркий қўшиқ услуби ёки вазнига мурожаат этиш ҳоллари кузатилади.

Туркий адабиётда ғазал жанрининг шаклланишида Хоразмийнинг ҳам ҳиссаси катта. “Мұхаббатнома” асарида форс-тожик тилида ёзилган иккита, туркий тилдаги тўртта ғазал бор. Ғазаллар ишқий мазмунда бўлиб, уларда ёрнинг гўзаллиги, эзгу хулқ-атвори таърифланади.

Юқорида таъкидланганидек ғазал жанрининг бу даврдаги тараққиётига Сайфи Саройи, Аҳмадхўжа ас-Саройи, Мавлоно Қози Мұҳсин, Мавлоно Исҳоқ, Мавлоно Имод Мавлавий, Туғлихожа каби шоирларнинг катта ҳисса қўшган. Сайфи Саройи “Гулистони биттуркий” асарининг 179-саҳифасида ўз даври ижодкорлари, яъни XIV асрда яшаган шоирларнинг мушоирасини келтиради. Мушоирада юқорида номлари тилга олинган ижодкорларнинг ғазалларидан намуналар келтиради. Бу мушоира XIV асрдаги туркий адабиёт вакиллари ва уларнинг услуби ҳақида тасаввур беради.

Мазкур ижодкорлар ўз ғазалларида ийҳом, талмеҳ, ташхис, тажнис, тазод каби бадиий воситалардан фойдаланиб, янги-янги бадиий тимсоллар яратганлар. Ғазалларда ишқ-муҳаббат мавзуси етакчилик қилади. Ёрнинг гўзаллиги, ҳуснда тенгсиз ва беқиёслигини Сайфи Саройи қуйидагича тасвирлайди:

*Топилмас ҳусн мулкинда сенга тенг бир
қамар манзар,*

*На манзар? Манзари шоҳид, на шоҳид?
Шоҳиди дилбар.*

Ғазалда ёрнинг юзи ойга ўхшатилади. Ёр юзининг ойга ўхшатилиши туркий шеъриятда янгилик эмас. Лекин Сайфи Саройи бу ўхшатишнинг ўзига хос қирраларини кашф этади.

Қуйидаги байтда ҳам ой тимсоли қўлланилади. Лекин ҳусни таълил санъати уйғунлашиб, гўзал бир бадиий тимсол яратилади:

*Қамар юзингдан бўлур мунаввар,
Шакар сўзунгдин келур мукаррар.*

Мавлоно Қози Мұхсин эса ёр жамолини күрган ой ва қуёш ҳайратда қолғанлигини қўйидагича тасвирлайди:

*Бандасидур бўюнинг сарви чинор,
Ою гунаш юзининг ҳайратидур.*

Ёрнинг лаблари, сўзлари шакарга, дурга ташбех қилинади, жон бағишловчи сифатида тасвирланади:

*Муфарриҳ шевали дилбар, тили тўти,
сўзи шаккар,*

*Кийик кўзли, қамар манзар, латофат
мулки султони.*

Аҳмад хожа ас-Саройида:

*Асли олчин, сўзлари чин, кўзлари тотор
эрур,*

*Минг яшар ҳар ким дудоғи шарбатин
тотор эрур.*

Сайфи Саройида:

*Сўзинг дурри жавоҳирдур кўнгиллар
ганжина лойик,*

*На лойик, лойиқи хусрав, на хусрав
хусрави кишвар.*

Ёрнинг қоши янги чиққан ойга, камонга, киприги ўққа ўҳшатилади:

*Янги ойдур қошинг, эй кўркабойим,
Қилур байрам юзингни кўрса сойим.*

Махбубанинг киприк ўқларига неча ошиқнинг жони нишондир:

*Кипригининг ўқина жонлар нишон
Қоши ёсининг жаҳон қурбонидур.*

Талмех санъатини қўлланишда асосан пайғамбарлар номига мурожаат қилинади. Мавлоно Исҳоқ:

*Бошимни овчима олдим, фироқинг
мавжина туштум*

*Етур васлинг кемисин ким эришиди Нуҳ
тўфони.*

Сайфи Саройининг қўйидаги байтида Юсуф алайҳиссаломнинг тенгизиз гўзаллигини ёр жамолида кўргандек бўлади:

*Бу кун Юсуф жамолин қилибтур ҳаққ
санга бахшиш,*

*На бахшиш, бахшиши давлат, на
давлат, давлати мафҳар.*

Хоразмий эса дунёнинг бебақолиги ҳақидаги фикрини Сулаймон алайҳиссалом воқеасига ишора қилиб баён этади:

*Дунё сенга қолурму Сулаймонга
қолмади,*

*Ул ким анга мусаххар эрди деву ҳам
пари.*

Бу даврда яратилган ғазалларда тажнис санъати етакчи ўрин әгаллайди. Р.Орзивеков “Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат” китобида ғазал яратишдаги

баъзи бадиий усуллар ҳақида гапириб, мусажжа, тажнис, ҳусни матлаъ, зебқоғия, зулқофиятайн ва бошқа усулларда яратилган ғазаллар ҳақида кенг маълумот бериб ўтади. Фазалда бадиийликни юзага келтириш, чиройли сўз ўйинлари ҳосил қилиш учун мисра ёки байтларда жинсдош сўзлардан – тажнис санъатидан фойдаланилган. “Тажнисли ғазал байтларининг ҳар бирида қофиядош сўзлар жинсдош, шаклдош бўлади. Бир ғазалда тажнисли қофия сифатида келган сўз кўп ҳолларда турли хил маъноларни ҳам англатиб кела олади”.

Бундай ғазалларнинг илк намуналари Сайфи Саройи ва унинг замондошлари ижодида учрайди. Мавлоно Имом Мавлавий бир ғазалида “қинда” сўзини тажнис сифатида кўллайди:

*Дилбарим нечага тегру мен қулун қинда
тутар,*

*Мен қиличмумен, ажабким мени ул қинда
тутар.*

*Мен туурман бу қин ичра мубтало
ожиз бўлиб,*

*Ул улашу туну кун кендини завқинда
тутар.*

Туғлихожа ғазалида “қаро қинға” биримаси тажнис санъатини ҳосил қиласди:

*Нигоро кўз учи бирла боқинг мен қул
қароқинға,*

*Кўзим ёши оқа тушту тушубман бу
қаро қинға.*

*Тиламас сенсизин Туғли ёши юзга етар
бўлса,*

*Сенинг табуғингда фахр эткай умрнинг
қисқароқинда.*

Худди шу вазн ва қофияда Сайфи Саройи ғазали ҳам мавжуд:

*Менингtek нечалар ҳайрон ушул жоду
қароқинға,*

*Кўрууб жисмин хижолатдин равон бўлди
қаро қинға.*

*Танининг оқининг узра янгоғи олининг
ранги,*

*Эрур ул тоза қуш қони тўқулмиштек
қаро қинға*

*Қаро қинға тушубтур бу Саройи Сайфи
бечора,*

*Нечук ўтдан чиқиб тушса қилич боғли
қаро қинға.*

Мазкур ғазалларда тажнис санъатининг тажниси мураккаб тури қўлланилган. Сайфи Саройи ғазалидаги шаклдош сўзлар ёрнинг кўз қорачиғи, қиличнинг қини, қорнинг оқи, қора қийинчиллик маъноларини ифодалайди.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Аҳмад Ҳожа ас-Саройи ижодига мансуб бир ғазалда ҳар бир байтда турли мазмундаги шаклдош сўзлар қўлланилган бўлиб, бу, ғазалнинг янада жозибали бўлишини таъминлаган:

Дилбаримнинг ул садафдек оғзида дур бор эрур,

Лаълининг шавқинда тун-кун дидалар дур-бор эрур.

Зулфи сунбулдек, бўйи сарв, энглари гулзор эрур,

Юзларин кўрмаги бир дам булбулу гул зор эрур.

Жон олиб ҳуснин сотар, бу не ажаб бозор эрур,

Ё магар ошиқларинға ноз этиб безор эрур.

Равза янглиғ ҳусн боғинда янгоқи нор эрур,

Ҳажру ишқи кўнгулларни ёқарға нор эрур.

Банда Аҳъадни бек тобугинда хуш асрор эрур,

Ким анинг шеъри сўзлари асрор эрур.

Тажнис усулидан ташқари мураккаб усуплардан ҳисобланган мусажжа, зебқофиядан фойдаланиб ғазаллар яратилган. “Мусажжа усулида яратилган ғазаллар чорбаҳрали, ички қофияли ғазаллар истилоҳлари билан ҳам аталади. Чунки бундай ғазалларга байтлар сажлар уйғунлигига асосланган тенг бўлакларга ажратилади ҳамда асосий қофиядан ташқари ички қофиялар ҳам ажратилади”, деб ёзади Р. Орзивеков.

Бу даврда яратилган ғазалларда ишқ-муҳаббат мавзуси етакчилик қиласа-да, баъзан ижтимоий ва фалсафий масалаларга ҳам ўрин

берилади. Хоразмийнинг қўйидаги байтларида дунёнинг бевафолиги ва ўткинчилиги ҳақида фалсафий мушоҳада юритилади:

Соқий, қадаҳни сун, дағи қилғил равона ким,

Бўлди равона кўк уза хуршид соғари.

Ишрат била жаҳонни йигитликда хуш кечур,

Ким ҳеч кишига қолмади бу бевафо қари.

Дунё сенга қолурму, Сулаймонға қолмади,

Улким анга мусаххар эди деву ҳам пари.

Сайфи Саройи ижодига мансуб қўйидаги байтларда ҳам дунё ўткинчи экан, ҳар бир муддатни ғанимат билиб, вафо йўлини тутиш кераклиги уқтирилади:

Бу муддатни ғанимат бил, бу фурсатда вафолар қил,

Бу иззат бирла бўл кўп йил, халойиқнинг севар жони.

Туркий адабиётнинг XY асргача бўлган тараққиётида юқорида номлари тилга олинган ижодкорлар мухим ўрин тутади. Бу ижодкорлар яратган турли жанрдаги асрлар ўзининг бадиий мукаммаллиги, оҳангдорлиги ва бошқа жиҳатлари билан туркий шеъриятни янги тараққиёт босқичига олиб чиқди. Аруз вазни шеъриятда асосий ўринни эгаллади. Шеъриятнинг мавзу доираси кенгайди. Шоирлар ўз шеърларини халқ тилига яқинлаштиришга интилдилар. Халқ оғзаки ижодига мурожаат қилиш орқали шеъриятда туркона ёзишга интилиш кучая борди. Бу ҳол шундан кейинги туркий шеъриятнинг мислсиз даражада гуллаб яшнашига олиб келди.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев В. ва б. Ўзбек адабиёти тарихи. I том. -Т., 1977.
2. Фозилов Э. XIV аср Хоразм ёдномалари. -Т., 1973.
3. Орзивеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. -Т.: “ФАН”, 1976.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).